

КОМСТОК ҚУРТИНИНГ ЗАРАРИ ВА УНГА ҚАРШИ САМАРАЛИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Аннотация: Республикамизда учрайдиган комсток қурти ипакчиликка катта зарар келтирмоқда. Буни олдини олиш мақсадида олим ва ёш изланувчилар зараркунандаларга қарши самарали кураш бўйича изланишлар олиб бормоқда.

Annotation: The technology of silk breeding is developing in several countries. But this worm is considered as a pest in silkworm breeding. For pest control, young researchers and scientists conduct different research works.

Аннотация: В несколько стран развиваются технология шелка. Но в Республики этот червец является шелководам вредитель. Чтобы предотвратить это, ученые и молодые исследователи для того, чтобы вести эффективную борьбу с вредителями.

Калим сўзлар: Карантин, мевали дарахт ва буталар, личинка, зарар, препарат, қарши кураш, биологик самарадорлик.

Кириш. Комсток қуртининг ватани Япония бўлиб, уни биринчилардан америкалик энтомолог олим Ж.Г.Комсток аниқлаган ва ўрганган. Бу зараркунанда Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилоятида тарқалган ички карантин зараркунанда ҳисобланади. Комсток қурти Қозоғистон, Тожикистон, Грузияда, Хитой, Тайван, Ҳиндистон, Янги Зеландия, Кения, АҚШ, Канада, Англия, Россия, Украина, Молдавия давлатларида ҳам тарқалган. Бу зараркунанда асосан тут дарахтига, баъзан эса 300 дан ортиқ турдаги мевали дарахтлар, мевали буталар ва сабзавот экинларнинг барги, танаси, новдалари, гуллари ва меваси ҳамда илдизининг ширасини суриб зарар келтиради. Комсток қурти – Тенг қанотлилар (Homoptera) туркумининг мумсимон қуртлар (Pseudococcidae) оиласига мансуб.

Морфологик белгилари ва биологияси: Комсток қурти айрим жинсли ҳашарот бўлиб, эркагининг узунли 3 – 4 мм, 1,0 – 1,5 мм узунликдаги бир жуфт қанотли, танаси қизғиш – жигар рангли, кўзлари эса қора кўринишдаги қизил доиралар билан ўралган. Урғочисининг узунлиги эса 4 – 5 мм бўлиб қаноти бўлмайди, танаси эса овалсимон чўзинчоқ шаклда бўлиб усти оқ мумсимон шира билан қопланган. Тухуми овалсимон, бир учи эса учлироқ бўлиб, оч сариқ рангли, етилган тухумлари эса сарғиш пушти рангли бўлади. Комсток қуртининг биринчи ёшдаги личинкаси 0,3 – 0,6 мм узунликда бўлиб, ранги оч сариқ бўлади. Иккинчи ёшдаги личинка эса 1,4 – 1,6 мм узунликда бўлиб, тўқ сариқ рангда бўлади. Учинчи ёшдаги личинка иккинчи ёшдаги личинкага нисбатан 2 – 3 марта узун бўлиб, тўртинчи ёшда вояга етади. Тухумлардан март охири, апрел бошларида, яъни тут дарахтининг қуртаклари бўрта бошлаган ва энди барг ҳосил бўлиш даврида личинкалар чиқа бошлайди. Комсток қурти тахминан бир ярим ойда бир марта насл бериб, баҳор ойида 1 марта, ёз ойида эса 2 марта насл беради [4].

Урғочи личинка вояга етгач пўст ташлаб 20 – 30 кундан кейин тухум қўя бошлайди. Комсток қуртининг урғочиси биринчи наслда 300 – 500 та, иккинчи наслда 250 – 350 та, учинчи наслда эса 200 – 250 та тухум қўяди. Охири насл тухумлари қишлаб қолади ва қишки совуқ таъсирида, паразитлар ва қушларга ем бўлиши туфайли бу қуртнинг 95 – 98 % тухумлари нобуд бўлади [2, 5].

Бу зараркунанда янги ўсимликларга асосан пассив йўл билан яъни тут кўчати воситасида, барглари, транспорт воситалари, кийим – кечак, сабзавот ҳамда мевалар билан ҳам тарқалиши мумкин.

Зарари: Комсток қурти Республикамизда биринчи марта 1936 йилда Тошкентда ва унинг атрофларида топилган бўлиб, унинг асосан тут дарахтига зарар етказиши аниқланган. Комсток қуртининг зараридан новдалар қинғир-қийишқ бўлиб, барглари сарғаяди ва қуриб қолади, дарахт танаси, илдизлари ва шохларида шиш ва ёриқлар ҳосил бўлади ҳамда, дарахт умуман қувватдан қолади. Қурт тезаги билан ифлосланган тут барги эса ипак қурти учун зарарлидир. Комсток қурти тут дарахтидан ташқари, шафтоли, олма, олхўри, гилос, анорга, шунингдек маккажўхори, картошка, сабзи, лавлаги, карам, помидор, қовоқ, қовун, тарвузга ва бир қадар бошқа кўпгина дарахтсимон, бутасимон, ўтсимон ўсимликларга зарар етказиши [1].

Тадқиқот натижалари. Комсток қурти анчагина кўпайганда барча ўсимликларнинг ўсишини секинлашади, мевали экинлар, илдизмевалар ва туганак мевалиларнинг ҳосилини камайтиради ҳамда сифатини пасайтиради. Тухумдан эндигина чиққан личинкалар 2 – 3 кунгача мумсимон халтачаларда туриб, сўнгра ўрмалаб баргнинг орқа томонини зарарлайди. Бачки новдаларига бориб тўпланади ва унинг ширасини сўради. Зарарланган тут барглари унинг ахлати билан ифлосланиб баргларнинг сифати ёмонлашади, бундан ташқари барги сарғайиб, қуриб тукилади. Зарарланган барглари билан озиқланган ипак қуртлар эса касалланади. Комсток қурти зарарлаган тут дарахти баргининг ҳосили 35 – 36 % гача камаяди.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар. Комсток қуртининг табиий қушандалари мавжуд бўлиб, улар орасида Бона пашшаси ҳамда псевдафикус яйдоқчисининг самараси жуда юқори (80 – 90%). Ҳашаротга қарши агротехник кураш чоралари қаторига асосан бегона ўтларни вегетация давомида мавсумнинг бошидан ва охиригача йўқотиб туриш; тутнинг кузги – қишки тиним даврида дарахтлар тупидаги гумон қилинган бачкиларни юлиб ташлаш. Комсток қуртига қарши кимёвий курашда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зараркунандалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар РЎИХАТИ”да рухсат этилган инсектицидлардан зараркунанданинг биоэкологиясига асосланган ҳолда фойдаланиш мумкин.

**М.И.ТАДЖИЕВА,
М.Х.АБУЛҚАСИМОВА, талаба,
Тошкент давлат аграр университети.**

АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳ.Х.Кимсанбоев “Умумий ва қишлоқ ҳўжалик энтомологияси”. 2002 йил.
2. Ш.Т.Хўжаев “Энтомология, қишлоқ ҳўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари”. Тошкент 2013 йил.
3. Ш.Т.Хўжаев “Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари”. Тошкент – 2015 йил.
4. А.Ш.Шералиев “Тут касалликлари ва зараркундалари”. Тошкент – 2009 й.
5. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликларига қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар” РЎЙХАТИ. 2016 йил.

УЎТ: 632.937:635

ЎҚИНГ, ЭЪТИБОР БЕРИНГ

ПОМИДОР ЗАНГ КАНАСИНИНГ СОНИНИ БОШҚАРИШДА ПРЕПАРАТЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация. Мақолада помидор экинида занг канага қарши синалган препаратлар самарадорлиги ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Тадқиқотларда Бифенстар – 0,3 л/га, Каратнур – 0,2-0,3 л/га, Alfa Rell – 0,5-0,7 л/га, Коло – 0,8-1,0 л/га, Эффектум-Дуо – 0,15-0,2 л/га., Энтомектин экстра – 0,1-0,15 л/га, Benthos – 0,2-0,3 л/га, Римон Фаст – 0,3-0,7 л/га, K-Killer – 0,4-0,6 л/га, Grant – 0,15-0,2 л/га, Capito – 0,225 л/га, Ламбатрин – 1,5-2,0 л/га каби препаратлар сновдан ўтказилганда бир вақтнинг ўзида помидорда занг канасидан ташқари йўлдош зараркундаларга (шира, трипс, оққанот, кўсак қурти, гамма тунлами помидор куяси ва бошқ.) ҳам самарали эканлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: Помидор, зараркунда, занг кана, кураш чоралари, кимёвий препаратлар, биологик самарадорлик.

Аннотация. В статье представлены результаты исследования, проведенного с целью изучения эффективности протестированных препаратов против ржавых клещей на посевах томатов. В исследовании Бифенстар - 0,3 л / га, Каратнур - 0,2-0,3 л / га, Альфа Релл - 0,5-0,7 л / га, Коло - 0,8-1,0 л / га, Эффектум-Дуо - 0,15-0,2 л / га, Энтомектин Экстра - 0,1-0,15 л / га, Бентос - 0,2-0,3 л / га, Римон Фаст - 0,3- 0,7 л / га, K-Killer - 0,4-0,6 л / га, Grant - 0,15-0,2 л / га, Capito - 0,225 л / га, Lambatrin - 1,5-2, Сообщается, что такие препараты, как 0 л / га, эффективны против спутников-вредителей (тли, трипсы, тли, ленточные черви, гамма-насен и т. Д.) В дополнение к ржавчине на помидорах при тестировании.

Ключевые слова: помидор, вредитель, ржавый клещ, меры борьбы, химические вещества, биологическая эффективность.

Annotation. The article presents the results of a study conducted to study the effectiveness of the tested drugs against rusty mites in tomato crops. In the study, Biefenstar - 0.3 l / ha, Karatnur - 0.2-0.3 l / ha, Alpha Rell - 0.5-0.7 l / ha, Kolo - 0.8-1.0 l / ha, Effectum-Duo - 0.15-0.2 l / ha, Entomectin Extra - 0.1-0.15 l / ha, Benthos - 0.2-0.3 l / ha, Rimon Fast - 0.3- 0.7 l / ha, K-Killer - 0.4-0.6 l / ha, Grant - 0.15-0.2 l / ha, Capito - 0.225 l / ha, Lambatrin - 1.5-2, Formulations such as 0 L / ha are reported to be effective against companion pests (aphids, thrips, aphids, tapeworms, gamma nightshade, etc.) in addition to rust on tomatoes when tested.

Key words: Tomato, pest, rusty mite, control measures, chemicals, biological effectiveness.

Кириш. Республикамиз шароитида помидор экинида 50 турдан ортиқ зараркундалар зарар келтириб яшаши бизга маълум. Булар ичида помидор занг канасиасосий доминант турлардан бири эканлиги аниқланган. Айниқса, кучли даражада зарарланган ўсимлик ривожланишдан орқада қолади ва аксарият ҳолларда нобуд бўлади. Занг кана билан зарарланган помидорининг баргларида сариқ ва оч рангдаги ялтир оқ доғлар ҳосил бўлади, кейин эса, некрозланиб барглар тўкила бошлайди. Гуллаш даврида зарарланган ўсимликлар майда ҳосиллар ва ўсимликнинг бутун танаси қуриб қолди. Мева тугиш даврида зарарланган ўсимликлар кўпроқ

ривожланади [1, 5, 6]. Бу зараркундага қарши юқори самара берувчи, илмий асосланган муддатларда қўлланиладиган ҳимоя чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ва юқори ҳосил олишнинг кафолати бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Помидорнинг асосий зараркундаси занг канасига қарши илмий асосланган муддатларда қўлланиладиган ҳимоя усулларини ишлаб чиқиш мақсадида 2016-2018 йилларда помидор экинида занг канага қарши турли синфга оид инсектоакарицид ва акарицидларни сновдан ўтказиш учун лаборатория ва дала тажрибалар ўтказилди.